

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ
А Ж Р И М И

2021 йил октябрь ойининг 12 куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати Олий суд биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: судья ХХХ,

ҳайъат аъзолари: ХХХ ва ХХХдан иборат таркибда, ХХХнинг котиблигида, адвокат ХХХ ва тарафларнинг иштирокида, даъвогар ХХХнинг жавобгар ХХХга нисбатан ноқонуний иморатни буздириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича юритилган фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июндаги ажрими нисбатан даъвогар ХХХнинг келтирган кассация шикоятини иш ҳужжатлари асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар ХХХ судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, жавобгар ХХХ томонидан Бўка тумани, “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 а-уйда қурилган ноқонуний иморатни буздиришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг 2021 йил 27 мартдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилган.

Унга кўра, жавобгар ХХХ томонидан Бўка тумани “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 а-уйда ўзбошимчалик билан қурилган соябон (литер 0005, 0008), ҳожатхона (литер 0006), ҳаммом (литер 0007)ни буздириш белгиланган.

Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июндаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарорига асосан даъвогар ХХХнинг даъво талабини қаноатлантириш рад қилинган.

Шикоятда, апелляция инстанциясининг ажримини бекор қилиб, Ўртачирчиқ туманлараро судининг ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича маърузани, тарафларнинг тушунтиришларини, мутахассиснинг фикрини тинглаб, шикоятдаги важларни иш ҳужжатлари асосида муҳокама қилиб, қуйидагиларга кўра апелляция инстанциясининг ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларига кўра, “Ермулккадастр” ДК Бўка тумани филиалининг 2020 йил 14 декабрдаги хатида, Бўка тумани “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 б-уй Бўка район Халқ депутатлари ижроя кўмитасининг 1987 йил 28 январдаги 1/6-сонли қарори кўчирмасига асосан 2020 йил 30 ноябрда R-A 1334108-рақам билан ХХХ номига давлат рўйхатидан ўтганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, ушбу хатда Бўка тумани “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 а-уй 2006 йил 23 майда нотариал расмийлаштирилган олди-сотди

шартномасига асосан Х.Хўжакелдиева номига давлат рўйхатидан ўтганлиги ва ТА 1090013-рақамли гувоҳнома тақдим этилганлиги, низоли 77 а-уйнинг ер майдони 646 кв.метрни ташкил этиши, сўралган ер майдони даъвогар ёки жавобгарга тегишли эмаслиги, ушбу ер майдонига 77 б-рақамли уйга туташтирилиб қурилган бино тарафларнинг эгалигида бўлмаган ер майдонида қурилганлиги билдирилган.

Х.Хўжакелдиева 2016 йил 24 ноябрда вафот этган.

Бўка туман ҳокимлиги томонидан 2020 йил 31 октябрда ХХХга ноқонуний қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги, қурилиш ишларини тўхтатишни ва қурилиш учун керакли ҳужжатлар туман ҳокимининг қарорига асосан лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиб, тасдиқлангандан сўнг қурилиш ишларини бошлаши, акс ҳолда тегишли чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантириш хати берилган.

Кадастр агентлиги Бўка тумани филиалининг 2021 йил 9 февралдаги маълумотномасига кўра, Бўка тумани “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 а-уй нотариал расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан эгалик қилувчи Х.Хўжакелдиевани яшаш уй-жойининг код 0005 соябон, код 0006 омбор, код 0007 омбор, код 0008 омбор литер бинолари ҳозирги кунда бузиб ташланиб, ўрнига ҳозирги ҳолат техник чизмасида кўрсатилган код 0005 соябон, код 0006 ҳожатхона, код 0007 ҳаммом, код 0008 соябон литер бинолари ўзбошимчалик билан қурилгани кўрсатилган.

Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг 2021 йил 11 мартдаги хулосасида, Бўка тумани, “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 а-уйда қурилган қурилмалар, яъни соябон (литер 0005, 0008), ҳожатхона (литер 0006), ҳаммом (литер 0008)лар Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.01.02-04 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”нинг (5.16-банди), ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”нинг (3.1-, 3.7.3-, 3.734-бандлари)га жавоб бериши, ушбу 77а уйда қурилган қурилмалар, яъни соябон (литер 0005, 0008), ҳожатхона (литер 0006), ҳаммом (литер 0008)лар Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”нинг 3.7.7-, 3.1.3-, 4.7.9-бандлари, ШНК 2.08.01-05 “Турар-жой бинолари” (8-илова 2-жадвал)ларига жавоб бермаслиги қайд этилган.

Бўка тумани ФВБнинг 2021 йил 27 мартдаги маълумотномасида, Бўка тумани, “Дўстлик” МФЙ, Бобур кўчаси 77 б-уйнинг девор ва том қисмидаги ёғоч конструкцияларга 77 а-уй томонидан (ёнғинга қарши оралиқ масофа ва ёнғинга девор) назарда тутилмасдан бино қурилганлиги кўрсатилган.

Даъво талабида ХХХ жавобгар ХХХ тегишли рухсат олмасдан ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда чегара қолдирмасдан ўзбошимчалик билан қурилмалар қурилганлиги сабабли ушбу қурилмаларни буздиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди, жавобгар томонидан қурилган қурилмалар ваколатли органларнинг рухсатномасини олмаган ҳолда қурилганлиги, жавобгар ноқонуний қурилмани қуришни давом эттирмаслик ва бартараф этиш ҳақида ваколатли органлар томонидан огоҳлантиришларга қармасдан қурганлиги, жавобгар томонидан қурилган қурилмалар бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига дахл қилаётганлиги асосида даъвони қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишмасдан, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, даъвои рад этиш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилган.

Ишдаги “Ермулккадастр” ДК Бўка тумани филиалининг 2020 йил 14 декабрдаги хатида, қурилган низоли қурилмаларнинг ер майдони даъвогар ёки жавобгарга тегишли эмаслиги билдирилган.

Юқоридаги Х.Сулаймонова номидаги РСЭМнинг хулосасида, Бўка тумани “Дўстлик” мфй, Бобур кўчаси 77а уйда ХХХ томонидан қурилган қурилмалар Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.01.02-04 “Бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги”нинг (5.16-банди), ҚМҚ 2.01.03-96 “Зилзилавий ҳудудларда қурилиш”нинг (3.1-, 3.7.3-, 3.7.34-бандлари)га жавоб бериши кўрсатилган.

Апелляция инстанциясининг сайёр суд мажлисида жавобгар ХХХ томонидан ўзбошимчалик билан қурилган қурилмалар Бобур кўчаси 77 а-уйнинг ҳудудида қурилганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолатни кассация инстанцияси суд мажлисида иштирок этган мутахассис ҳам ўз фикрида баён этди.

Иш ҳужжатларига кўра, айти пайтда жавобгар ХХХ қурилиш ишларини амалга оширган ер майдони даъвогар ХХХга тегишли эканлиги ишончли ва мақбул далиллар билан исботланмаган.

Амалдаги ФПК 72-моддасига биноан, ҳар бир тараф ўзининг талаблари ва эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт.

Бундай ҳолатда, жавобгар ХХХ томонидан қурилган қурилмалар даъвогар ХХХнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаган деб ҳисоблаш ҳақидаги апелляция инстанциясининг хулосалари асосли ва қонуний ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддаси 1-бандига кўра, кассация инстанциясининг суди кассация шикоятини (протестини) кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарорини, ажримни, қарорни ўзгаришсиз, кассация шикоятини (протестини) эса қаноатлантirmасдан қолдиришга ҳақли.

Шундай экан, судлов ҳайъати мазкур низо бўйича қабул қилинган апелляция инстанциясининг ажримини қонуний, асосли ва адолатли деб ҳисоблаб, уларни ўзгаришсиз қолдиришни, кассация шикоятини қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Баён этилганларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 419-моддасини қўллаб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Мазкур иш юзасидан қабул қилинган Тошкент вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 2 июндаги ажрими ўзгаришсиз, кассация шикояти қаноатлантirmасдан қолдирилсин.

Раислик этувчи: XXX

Ҳайъат аъзолари: XXX

XXX

